

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
Тошкент темир йўл муҳандислари институти
“Темир йўллар қурилиши, йўло ва йўл хўжалиги” кафедраси

Қўлёзма ҳуқуқида

Хайруллаев Жаҳонгир Анарбой ўғли

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг қум саҳроларида жойлашган темир
йўл инфраструктурасини кўчки қумлардан сақлаш чора-тадбирларида
маҳаллий шароитнинг ҳудудлаштириш харитасини тузиш»

Магистрлик даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: катта ўқитувчи А.Ю. Мамадалиев

Тошкент – 2018

МУНДАРИЖА

Кириш.....	1
I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КЎЧУВЧИ ҚУМ МАВЖУД ХУДУДЛАРНИНГ ТАЪРИФИ	2
1.1 Ўзбекистон Республикасида кўчувчи қум мавжуд хуудлар	
1.2 Ўзбекистон Республикасида кўчувчи қумларни турғун ҳолатга келтиришни лойиҳалаш	2
1.3 Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ нинг кўчувчи қум билан босилаётган участкалари шароитларини хуудлаштириш	3
II. ДИССЕРТАЦИЯДА ҚЎЛЛАНГАН ТАДҚИҚОТ УСЛУБЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ	4
2.1 Тадқиқотнинг объекти, предмети ва уларнинг таърифи	5
2.2 Тадқиқот воситалари	6
2.3 Тадқиқот услуби	7
III. ТЕМИР ЙЎЛНИ КЎЧКИ ҚУМЛАРИДАН САҚЛАШ УСЛУБИ	8
3.1 Кўчки қум мавжуд хуудларда шамолнинг якуний йўналишини аниқлаш услуби	9
3.2 “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг кўчки қумлар билан босилятган темир йўл участкаларини сақлаш чора-тадбирларида шамолнинг якуний йўналишини инобатга олиш	10
3.3 Кўчки қумлардан сақлашни лойиҳалаш услуби	11
Иловалар	
Адабиётлар	

Кириш

Диссертация мавзусининг долзарблиги: Сахролашув – табиатдаги глобал ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган жаҳон миқёсидаги кенг кўламли жараёндир. Бу жараён глобал муаммолардан бири бўлиб, жаҳон экотизими, озиқ-овқат хавфсизлиги, ҳамда бутун дунёда социал-иқтисодий турғунлик ва барқарор ривожланиш учун жиддий оқибатлар келтириб чиқарувчи эгзоген ҳодиса ҳисобланади.

Ушбу ҳодисадан кўпроқ ривожланиб келаётган мамлакатларнинг айрим соҳаларда кўзлаган мақсадларига эришишда жиддий қийинчиликларга дуч келаётганлиги бу ҳодисани яна бир бор долзарб муоммолардан бири эканлигини исботлайди.

Бу каби ҳодисага қарши курашишга кўплаб мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон, МДХ мамлакатлари (Туркманистон, Қозоғистон, Россия ва Украина) шунингдек узоқ хориж мамлакатлари (АҚШ, Хитой, Алжир, Тунис, Мавритания, Намибия, Араб давлатлари, Австралия, Покистон ва ҳ.к.) катта аҳамият бериб келмоқда халқ хўжалиги объектлари, хусусан, темир йўлларни қуриш ва улардан фойдаланишга салбий таъсир кўрсатадиган дефляция деб ном олган ҳодисага олиб келади. Салбий таъсир шундан иборат бўладики, қум кўчишининг муайян шарт-шароитларида қумли шамол оқимининг кўчиш тезлиги маълум даражадан пасайиб, шамол таъсирида юқорига кўтарилган қум оқим таркибидан тушиб қолади. Агар ушбу ҳодиса темир йўл яқинида рўй берса, бу ҳолда ер полотноси, бундан ҳам ёмони, йўлнинг юқори қурилмаси, шу жумладан балласт, рельслар, стрелкали ўтказгичлар қум остида қолиб кетади. Бу ҳодиса қум босиши деб аталади. Қум босишлари натижасида йўлнинг меъёрдан ташқари ўзгариши ва техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг ёмонлашуви рўй бериб, бу поездлар ҳаракати хавфсизлиги шароитларини издан чиқаради. Бу балластнинг динамик тавсифлари ўзгаришида, рельслар ва стрелкали ўтказгичларнинг тезкор едирилишида, ҳаракатланувчи таркибнинг издан чиқиши ва шу каби бошқа салбий ҳодисаларда намоён бўлади. Айнан шулар темир ва автомобил

йўлларида қум босишига қарши кураш долзарблигини келтириб чиқариб, бошқа табиий-техник тизимларни (ТТТ) ҳимоя қилиш масаласини кун тартибига қўяди.

Қум босишидан асрайдиган табиий-техник тизимлар долзарблиги қазилмаларга бой саҳро (қумлик) ҳудудларни ўзлаштириш зарурати, Ўзбекистон ягона темир йўллари тармоғининг стратегик йўналиши – дизелли тортувдан электр тортувига ўтаётган поездларнинг ҳаракатланиш тезлиги ортиши, Қизилқум ҳудудида қурилиётган Навоий–Канимех–Мискин янги темир йўл линияси билан боғлиқ равишда янада кучайиб боради. Яқин истиқболда Бухородан Мискин станцияси орқали Хива йўналишидаги йўловчи поездларининг юқори тезликка ўтказилиши бу муаммони уларнинг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш нуқтаи назаридан энг муҳим муаммолар қаторига олиб чиқади.

Тадқиқот мақсади: Кўчки қумларни турғун ҳолатга келтириш ишларини лойиҳалашда маҳаллий шароитларни ҳудудлаштириш услуби ва харитаси.

Шу жумлада куйидаги вазифалар ечилиши мўлжалланган:

Ўзбекистон Республикасида кўчувчи қумларни турғун ҳолатга келтиришни лойиҳалаш.

Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ нинг кўчувчи қум билан қопланаётган участкалари шароитларини ҳудудлаштириш харитасини тузиш.

Ишнинг илмий янгилиги: Темир йўл изини қум кўчкилари босишидан сақлаш чора-тадбирларида маҳаллий ҳудудлаштириш харитасини тузиш.

I. БОБ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КЎЧУВЧИ ҚУМ МАВЖУД ХУДУДЛАРНИНГ ТАЪРИФИ

1.1 Ўзбекистон Республикасида кўчувчи қум мавжуд ҳудудлар.

Ўрта Осиёда қумли саҳролар майдонига кўра Ўзбекистон Республикаси иккинчи ўринни эгаллаб, қумларнинг 75-80% қисми айнан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухаро, вилоятлари, Фарғона водийси, Термез ва Қарши шаҳарлари ҳудудларида жойлашган. Бу ердаги асосий қум массивларидан Қизилқум, Сандикли ва Каттақум саҳроларини кўрсатиш мумкин.

Ғарбдан шарққа қараб Амударё ва Сирдарёнинг ўрта оқим қисмида, ҳамда жанубдаги қадимий Зарафшон водийси ва Нурота тоғларидан шимолда Орол денгизига қадар чўзилган *Қизилқум қумли саҳроси* кенг Қизилқум платосини, ҳамда Амударё ва Сирдарё қадимги аллювиал паст текисликларини эгаллайди.

Қизилқум платоси горизонтал, асосан неоген қатламлари тарзида жойлашган. Учламчи даврданоқ Қизилқум юзаси шамош таъсирида ўзгаришга мойил бўлган. Шунинг учун саҳронинг катта қисми ўсимликлар билан маҳкамланган тизма ва тизма-тепалик кўринишидаги қумлар ва камроқ даражада барханлар билан эгалланган. Мустаҳкамланган қумларда ўсадиган ўсимликлар турли-туман бўлиб бутасимон, (саксовул, жузғун, черкез) ва ўт-ўлан кўринишида.

Қизилқумда кўчма қумлар жуда кам, у ҳам бўлса авваллари инсон кенг кўламда режасиз фаолият юритган жойларда тарқалган. Бу каби қумлар Амударёнинг ўнг қирғоғида ва Бухоро воҳасидан шимолроқда учрайдилар.

Кўзгалувчан қумларда ўсимликлар жуда кам, — баъзида якка ўсимликлар кумарчик, аҳён-аҳёндагина қум акацияси ва жузғунни учратиш мумкин.

Навоий–Учқудуқ темир йўл линияси маҳкамланган бархан қумлари зонасидан ўтиб, очиқ қумлар бу ерда жуда кам учраб, катта жой

эгалламайдилар. Бироқ кучли шимоли-шарқдан ва шимолдан эсадиган шамоллар, айниқса ёзда, чанг-тўзонли бўронларни чақириб, ҳамда темир йўлларни қум босишига олиб келадилар. Ер ости сувлари 10–15м чуқурликда жойлашаган. Бугунги кунда линия қум кўчкиларидан асосан механик бир қизиқли қўчатлар ва қумсевар ўсимликлар (саксовул, қандим, черкез) билан ҳимояланган.

Сандиқли саҳроси Амударё ва Қашқадарё водийлари орасида жойлашган бўлиб, шимоли-ғарбда Зарафшон дарёсининг қуйи оқими, жануби-шарқда эса Қарши станциясидан Керкичи станциясига қадар чўзилган темир йўл линияси билан чегараланган. Сандиқли саҳроси зонаси кўтарилган, бироқ емирилган, усти эол-эллювиал қумли ва қум-қумтошли қатламлар билан ёпилган учламчи ва қадимий тўртламчи қатламлардан тузилган текисликдан иборат. Қумлар рельефиасосан бархан-тепаликли (қирли).

Кўчма қумлар Сандиқлик саҳросини ҳар тарафдан ўраб турадилар. Улар Чоржўй – Бухоро линиясидан жануби-шарқ тарафда ва Амударёнинг ўнг қирғоғибўйлаб жойлашган (Керкичи станциясидан Фороб ст.гача).

Хўжа – Давлат – Фороб станциялари оралиғида устини ўт қоплаган, баъзи жойда эни 5 км га борадиган тепаликсимон қумларнинг узлуксиз занжири чўзилган. Ҳозирги пайтда бу ерда кўчки қумлар мавжуд эмас. Қум мустаҳкамлаш бўйича сўнгги ишлар бу ерда ўтган аср охирида тугалланган эди. Қумлар маҳаллий ўсимликларнинг яхши тутиб кетадиган, ер шароитига мослашган турли навлари (қандим, черкез, саксовул) билан мустаҳкамланган. Қум мустаҳкамлаш ишлари муваффақияти маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларига боғлиқ: Амударё ва Зарафшон дарёларининг яқинлиги иқлимни юмшатади. Буталардан ташкил топган қумдан ҳимоялаш полосаси темир йўлни қум босишидан ишончли ҳимоя қилади.

Амударёнинг бутун ўнг қирғозидаги кўчма қумлар, шимолдан ва шимоли-шарқдан эсадиган шамоллар таъсирида илгари силжиб, Қарши – Термиз темир йўл линияси учун хавф туғдирадилар. Керкичи – Бургучи

станциялари орасидаги кумликлар жанубий-ғарбий чекка қисми билан темир йўл полотносига яқин келган очилган массивдан иборат. Бархан тизмалари тепалари ер полотносига перпендикуляр умумий йўналишга эга. Тик, куми тўкиладиган ёнбағирлар шимолий-ғарбга қараган бўлиб, улар йўлга параллел равишда ҳаракатланадилар. Бархан тизмаларининг қайта тузилиши ва ортга (тескари) ҳаракатланиш аломатлари кузатилмайди.

Қумларнинг бевосита ер полотносига яқинлашиб келган чекка қисми аввалги ўсимлик турлари – псаммофитлар қандим ва черкез билан маҳкамланган. Қўчатлар яхши тараққий этиб, бу билан қумнинг темир йўлга этиб келишининг олди олинган. Майда кичик тепачали мустаҳкамланган қумлар полосаси ортидан баланд тепаликли қумликлар полосаси келади. Бу қумлар қандим, черкезнинг ёш қўчатлари ва ярим яққол шитлар қаторлари билан маҳкамланган. Ярим яққол шитларда қўчатлар яхши тутиб кетдилар ва йўлни қум қўчкиларидан ишончли ҳимоя қиладилар.

Каттақум саҳроси емирилган туб жинслардан ва қисман дарё туби чўкинди жинсларидан ҳосил бўлган. Рельеф турига кўра улар ўсимлик қатлами ёрдамида мустаҳкамланган текислик участкалари бўлган оддий рельефлардан ҳисобланади. Қумнинг юза сатҳлари ёғин-сочинлар билан етарлича яхши намланиб, шу сабабли, ер ости сувлари анча чуқур жойлашишига қарамай, ўсимликлар ўсиб-униши учун шароит анча мақбул. Бузилмаган қумлар ўсимликлари асосан турли ўтлардан ташкил топган қопламали жузғун ва астрагаллардан иборат.

Катта қумсаҳроси тебраниб-илгариловчи ҳаракатланишга мойил бўлиб, шарқий-шимоли-шарқий йўналишда силжиб боради. Бу йил давомида туманнинг шамоллар режимида асосан ғарбий-жануби-ғарбий шамоллар устуворлиги билан изоҳланади.

Бухоро ва Қорақўл воҳаларининг шимолий қисмида, жанубий Қизилқумнинг қум-тош қоплаган текисликларида эни баъзи жойларда 2-3 км га етадиган, қисман қўчатларни (қора саксовул, черкез, жузғун) экиш орқали маҳкамланган кул ранг бархан қумлари полосаси ётади. Қумлар дарё

чиқинди қатламларининг шамолда кўчиб келтирилиши оқибатида ҳосил бўлган. Улар жануб томон ҳаракатланиб, ҳаракат типи – илгариланма.

Фарғона водийсининг марказий қисмида барханли кумлар анча кам учрайди. Улар Ғарбий Фарғонадаги Қўқон линиясидан бошлаб то Ашиқўлдаги кумликлар чегараси бўйлаб жойлашиб, кўп бўлмаган, алоҳида жойлашган, устки қисми ўсимлик билан деярли қопланмаган бархан кумликлардан иборат. Барханлар баландлиги 7,5 – 8 м, баъзи жойларда улар 5 м гача пасаядилар. Ғарбий Фарғонада барханлар жанбий-ғарбдан шимолий-шарққа томон тараққий этган.

Барханли ва бархан-уюмли кумларда бутасимон ва кўп йиллик ўсимликлар – турли жузғун, янтоқ, шувок, ўтсимон **солянка** кабилар унса, баъзи жойларда эса қамиш ҳам ўсади.

Бугунги куна келиб Ўзбекистонда кумли саҳролар майдонлари тахминан 13 млн. км² ҳудудни, яъни мамлакат ҳудудининг **4%** дан ортиқ қисмини ташкил этади. Кўчки кумлар эса кум барханлари эгаллаган майдоннинг 12-15% қисмини эгаллайди[1]. Айрим кум массивлари қуйидаги майдонларда жойлашганлар: **(Вилютлар бўйича кум саҳроларининг умумий майдони ёзилади.)**

1.2 Ўзбекистон Республикасида кўчувчи кумларни турғун ҳолатга келтиришнинг услубиётлари.

Ўзлаштириб олинган кум саҳролари ҳудудларидаги кўзгалувчан кумларни маҳкамлаш бўйича ишлардан асосий мақсад транспорт, қишлоқ хўжалик ва бошқа объектларни кум босишининг олдини олиш ҳисобланади [1-3]. Бу ишлар ўз ичига қуйидаги чора-тадбирларни олади: темир йўл полотноси ва йўлнинг юқори қурилмасини қараш (парваришлаш); кумларни ўсимликлар ёрдамида мустаҳкамлаш; иш натижасини ошириш учун техник чора-тадбирларни бажариш: механик ҳимояларни жиҳозлаш ва кум юзасини боғловчи материаллар билан қоплаш; йўл отводи ҳудудидаги ўсимлик қатламини парваришлаш ва қўриқлаш [4].

Темир йўл объектларни қум босишидан ҳимоя қилиш вариантларини танлаш услубиётни ишлаб чиқиш босқичма-босқич амалга оширилади.

Биринчи босқич – бу табиий-иқлимий ва ишлаб чиқариш-техник шароитлари, яъни қумнинг шамол билан объектга эҳтимолий учиб келтирилишини ҳисобга олган ҳолда иш усулини танлаш, ҳамда мазкур вазиятда қўллаш мумкин бўлган муқобил вариантларни аниқлаш учун ҳаракатланувчи қумлар мелиорациясининг мавжуд технология вариантлари билан идентификация қилиш.

Иккинчи босқич – шамол олиб келиши мумкин бўлган қум ҳажми асосида ҳимоя қувватини танлаш, $\text{м}^3/\text{пог. м.}$ бир йилда объектга нисбатан, шунингдек шамол частотаси ва давомлилигига кўра.

Учинчи босқич - вариантларни мавжуд методикалар бўйича техник-иқтисодий, масалан, таннархи, ишлаб чиқариш муддатлари, меҳнат сарфи кабилар бўйича қиёслаш асосида ҳимоя вариантини узил-кесил танлаш.

Объектни қум босишининг етакчи омили сифатида шамол, хусусан, унинг жойдан-жойга кўчириш имконияти бир йилда олиб ўтиладиган, пог.м.ларда ифодааланган қум миқдори ажратиб кўрсатилганлиги учун бу ҳолда биринчи босқичда кўп йиллик маълумотларни автоматлаштирилган назоратини мониторинг қилиш йўли билан шамол йўналиши ва тезлигига оид маълумотлар аниқлаб олинади. Ахборот оқимидан, биринчидан, ўн беш йиллик давр учун шамолларга оид маълумотлар саккиз кузатув муддатлари бўйича танланган бўлса, иккинчидан, маълумотларнинг автоматлаштирилган назорати амалга оширилган.

Ушбу маълумотлар ва ҳисоб-китоблар асосида ҳар бир станция учун кўчирилган қум миқдори аниқланиб, “Қум кўчишининг асосий йўналишлари” қурилди.

Агар СТХ қум мустаҳкамлаш усуллари қўлланиш соҳаларини табақалаштириш учун зарур бўлса, СТР қум мустаҳкамлаш амалга ошириладиган шарт-шароитларни белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан СТР блокин ишлаб чиқишнинг тадқиқот босқичида зонал ва а зонал тартибдаги

мезонлар ажратиб олиниб, табиий ва иқлим параметрлари мажмуига кўра кумли саҳроларни табақалаштириш имконини берадиган агрегацияланган кўрсаткичлар излаб топилади.

Ҳар томонлама тадқиқотлар жараёнида турли-туман услубиётлардан фойдаланилди. Янги индустирал усулларни асослаб бериш блокида қабул қилинган услубиётлар баёнини тадқиқ этиш учун қабул қилинган объектлар, биринчи навбатда кумдан бошлаймиз. Мисол учун, унинг гранулометрик таркибини таҳлил қилиш учун алоҳида фракциялар орасидаги кичик, деярли сезилмайдиган, аммо кўп ҳолларда муҳим фарқланишларни ажратиб олишга хизмат қиладиган турли таснифлардан фойдаланадилар.

Кум доначаларини фракциялар бўйича тақсимланишини белгилаб олиш учун Е.М. Сергеев таснифи [43] етарли даражада қўлланган бўлиб, бу таҳлил мақсадида бошқа муаллифлар маълумотларидан фойдаланиш имконини берди. Бунда беш синф (класс) фарқланади: кўпол доначали (2-1 мм), йирик доначали (1-0,05 мм), ўртача доначали (0,5-0,25 мм), майда доначали (0,25-0,1 мм) ва ўта майда доначали (0,1-0,05 мм) кумлар. Агар кум заррачаларининг 90% бир фракцияда жамланган бўлса, кум яхши сараланган, икки фракцияда жамланган ҳолатида – ўртача сараланган деб аталади.

Кумларнинг минералогик таркибида икки хил фракция: солиштирма массаси 29 кн/м^3 дан катта (оғир фракциялар) ва 29 кн/м^3 дан кичик (енгил фракциялар) фарқлайдилар. Енгил фракцияларга кварц, дала шпати, мусковит ва биотит кириб, бунда дастлабки икки минерал кум доначаларининг асосий қисмини ташкил этади. Оғир фракцияларга: магнетит, гематит, гранат, экидат, **роговая обманка**, циркон, турмалин, ставролит, дистак, циозит кабилар кириб, кум жойдан-жойга кўчишида шамол-кум оқими таркидан тушиб қолиши сабабли улар миқдори катта бўлиши мумкин эмас.

Шунингдек, кумнинг кимёвий таркиби ўрмон мелиорация мақсадлари учун жиддий аҳамиятга эга. У кум массивларининг географик ҳолати, уларнинг “ёши”, шамолда совурилганлик даражаси ва бир қатор бошқа

омилларга боғлиқ равишда ўзгариб туради. Қумнинг кимёвий таркибига кўра у ёки бу қумларнинг ўсимлик экишга яроқли ё яроқли эмаслигини аниқлаб олиш мумкин.

Масалан, қумнинг гранулометрик ва минералогик таркибига боғлиқ бўлган физик хоссалари, боғлиқлиги ва тузилмалилиги, зичлиги, ғоваклилиги – барча саҳролар учун бир типдаги тавсифларга эга.

Қумларнинг физик-механик хоссалари. Тадқиқ этилаётган қумларни тизим сифатида тасаввур қилиш мумкин бўлиб, унда дисперс фаза – қум заррачалари, ҳар бар қум заррачасини ўраб турган сув ёки ҳаво эса дисперс муҳит вазифасини бажаради. Таркибида хатто озроқ чангсимон ва лойсимон заррачаларга эга бўлган қумлар сув билан ўзаро таъсирга киришганида заррачаларнинг юқори дисперс коллоид фракцияларини ўз ичига олган суюқ фазанинг юпқа қатламлари орқали ўзаро ёпишиб қолиши ҳисобига тузилманинг коагуляцион типини ҳосил қиладилар. Чангсимон ва лойсимон заррачали қумга сув таъсир қилганида ҳам бир қум заррачаси лойсимон заррачалардан ташкил топган қобиқ билан қопланади ва бирламчи илашиш деб номланган ҳодиса юзага келади [48]. Чангсимон ва лойсимон заррачалар миқдори жуда оз бўлганида ҳам қум заррачаларидан фарқли ўлароқ субстрат тузилмасига таъсир кўрсатиб, баъзи ҳолларда доначаларнинг конткт нуқталарида цементлашиб қотишига сабаб бўлади. Қумнинг бундай таъсирланиши субстратни шимдириш чуқурлигини тадқиқ этиш, кимёвий мелиорантлар сарфининг оптимал меъёрини аниқлашда ҳимоя қопламасини ҳосил қилиш учун кимёвий мелиорантни қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги масаласини ҳал қилишга баъзи ўзгартиришлар киритилишига олиб келиши мумкин.

Сунъий тўсиқларнинг асосий параметрлари уларнинг чуқурлиги, баландлиги ва эни ҳисобланади. Улар тўсиқларнинг қум тутувчи (қум мустаҳкамловчи) имкониятини белгилаб берадилар. Қум кўчишининг интенсивлигига боғлиқ равишда ҳамда механик ҳимоя воситаларининг қум йиғиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда ана шундай ҳимоялар критик

даражадан юқори тезликда эсадиган ҳукмрон шамол йўналишига перпендикуляр тарзда бир неча қатор қилиб ўрнатилади.

Ҳимояларнинг оптимал параметрларини асослашга ҳам бир қанча ишлар бағишланган. Масалан, Х. Ҳамидов яққол деворчалар ва “қафас”ларнинг самарали қум тутиш имконияти нуқтаи назаридан улар ўлчамларини белгилаб берди [45]. С.П. Ратьковский ва В.Е. Мольдерф зовур-валлар орасидаги масофани вал баландлигига кўра танлашни тавсия этиб, унинг қум тутиб қолиш имконияти унинг аэродинамик соясидан келиб чиқиб баҳоланиши мумкин [40]. Ушбу ишларда ҳимояларни асослаш ва уларнинг хусусиятлари билан боғлиқ масалалар етарлича тўлиқ акс эттирилган. Амалий қўллаш мақсадида қатор боғлиқликлар аниқланиб, қуйидаги логик модел бўйича ҳисоб-китоблар автоматлаштирилган:

- улар ишлайдиган шарт-шароитларни комплекс равишда ҳисобга оладиган сунъий тўсиқларнинг граф-аналитик моделлар таҳлили;
- уларни моддийлаштиришнинг технологик услублари;
- усулнинг қурилиш-технологик тавсифларини ҳимоянинг турлича ишлаш шароитларида ўзаро боғлаб турадиган боғлиқликларга эга бўлиш;
- ҳисоб-китобни автоматлаштириш, натижаларга эга бўлиш ва муайян шарт-шароитда ҳимояларни лойиҳалаштиришни мувофиқлаштирувчи номограммаларни қуриш.

Объектни қум босишидан ҳимоя қилиш дастлабки даврда қум элтувчи оқимнинг ташиб келтириш имкониятини камайтириб, унинг тезлигини баланд бўлмаган валлар ёрдамида пасайтириш ва ана шу қумни зовурлар тубида жамлаш орқали эришилади.

Зовур-валлар миқдори, уларнинг ўлчамлари, улар орасидаги масофа ва ҳимоя қилинаётган объектга нисбатан жойлашиши ишлар амалга оширилаётган ҳудуд иқлим шароитларига боғлиқ бўлади. Зовур-валларни қайси тарафга қаратиб жойлаштириш бутун ЎзР ҳудуди бўйича метеостанцияларнинг шамоллар тезликлари ва йўналишлари тўғрисидаги, ҳамда ҳимояланаётган объект яқинидаги бир йилда кўчирилган қум

йўналишлари ва ҳажмлари ортидан кўп йиллик кузатувлар натижалари асосида ҳал этилади.

Турли шаклдаги зовурлар механизациялашган тарзда қазиб-ишланади. Зовур-валларнинг миқдоридан келиб чиққан ҳолда уларнинг ҳимоя қилинаётган объектга нисбатан жойлашиш схемаси ҳам ишлаб чиқилади.

Тадқиқотлар методикасида қумни мустаҳкамлашни комплекс механизациялаш асосида амалга ошириш муҳим тамойиллардан ҳисобланади. Машиналар мажмуи етакчи машинанинг максимал унумдорлигини, энг кам меҳнат сарфланишини таъминлаш ҳисоби билан танлаб олинади. Объектларни қум босишидан ҳимоя қилиш воситаларини танлаш ва жойлаштириш учун қурилиш объектига кўчириб келтириладиган қум ҳажми амалий аҳамиятга эга. Айтиш лозимки, қум кўчкилари ҳажми ва характери нафақат шамол частотаси ва давомийлигига, балки жой рельефи, шамол-қум оқимини шакллантириш зонасининг узунлигига ҳам боғлиқ бўлади. Юқорида айтилганидек объект майдонининг қум билан қопланиши унинг қум босиш тоифасига ҳам боғлиқ.

Шундай қилиб, объект унинг қум билан қопланиш тоифаси, унинг жойлашишига боғлиқ ҳолда ҳимоя қилиниши керак. Илмий ишда [48] ҳимоя объектнинг томонларида қум босишининг устувор йўналиши бўйича нуқта-нисбий тарзда жиҳозланиши кераклиги кўрсатилган.

Ҳаракатланувчи қумларни объект контури бўйича мелиорациялаш бизга таниш ҳимоя усуллари, яъни сунъий тўсиқлар (зовур-валлар)

Ҳаракатланувчи қумларнинг объект контури бўйлаб мелиорация қилиш бизга маълум бўлган ҳимоя усуллари, яъни сунъий тўсиқлар (зовур-валлар, валлар, қум деворлари) ва физик-кимёвий усуллар ёрдамида амалга оширилди. Бизнинг фикримизча, буларнинг бари етарли эмас. Маълумки, қисқа давом этадиган, аммо кучли шамоллар катта кўчириш имкониятига эга бўладилар. Шу сабабли ҳимояни истисносиз барча румблар бўйича амалга ошириш керак бўлади. Бир йилда ташиб кетиладиган қум миқдорига кўра

қуйидаги турдаги участкалар фарқланади: қум кучли қўмадиган (босадиган), қум ўртача қўмадиган ва қум озроқ қўмадиган.

Бунда объектлар қум босиш (қўмиш) даражасига қўра қуйидагича тоифаларга бўлинади.

I тоифа – қурилишнинг қум кучли босадиган участкалари (қурилиш объектлари ҳудудида қум траншеялар, котлованлар, очик омборхона ва турар-жой биноларини қўмиб юборади). Қурилиш майдонининг очик участкаларида ҳаракатланувчи қумларнинг майда тўлқинли ёки бархан занжирлари қўринишидаги рельеф шакли ҳосил бўлади. Қурилиш майдонлари ва тупроқли (ер) иншоотларни техник шартларда белгиланган ҳолатда сақлаш учун уларни қумдан тозалаб туриш керак. Қурилиш майдонининг мустаҳкамлаш талаб этилган яқин орадаги ва очик участкаларида контурли ва объект ичидаги ҳимоя воситаларини тиклаш талаб этилади.

II тоифа – қурилишнинг қум ўртача даражада босадиган участкалари (қум траншея ва котлованларни тўлдириб, объектга келадиган (қўтариладиган) йўллар чеккасида, шунингдек алоҳида турган конструкцияларнинг шамол эсадиган томонида йиғилади). Қурилиш объекти яқинидаги қумларни мустаҳкамлаш ва шу билан бирга контурли ва объект ичидаги ҳимояни жиҳозлаш талаб этилади.

III тоифа – қум оз қўмадиган (босадиган) участкалар. Майдонча ва тупроқли иншоотлар қум босиш аломатларига эга эмас, ташқаридан келтириладиган қумдан ҳимоя қилиш воситаларини жиҳозлаш талаб этилмайди.

Мазкур тасниф сифатга доир бўлиб, уни Р.С. Закиров тадқиқоти [33] асосидаги қум босиш даражасининг миқдор тавсифини ҳисобга олиб тўлдирган ҳолда, шамолнинг ўртача олинган тезлиги бўйича бир йилда олиб кетиладиган қум миқдорини аниқлаш билан қабул қилиш лозим [30].

Зовур-валларнинг графо-аналитик моделлари

Масалан, зовур-валлар жиҳозлашнинг комплекс-механизацияланган технологик ечими учун тегишли қишлоқ хўжалик машиналари томонидан бажариладиган уч хил, бир-биридан тубдан фарқ қиладиган жиҳозлаш схемалари мавжуд. Бу схемалар М.Мирахмедов ва С.Ивушкинанинг тадқиқотларида баён этилган. Бироқ, юқорида айтилганидек, қатор қурилиш-технологик шароитлар детерминацияланган қийматларга келтирилиб, чунки шароитлар ва технологик ечимлардан фойдаланган ҳолда шароитларнинг қурилиш-технологик тавсифлари ва технологик ечимларни қўллаган ҳолда ҳимоя усулини танлаш механизмига ишлов бериш талаб этиларди.

Шу билан бирга, ҳимояларни лойиҳалаштириш методикасини яратишда ҳимояни адекват (оқилона) идентификация қилиш имконияти учун етарлича кенг қўламли шарт-шароитга эга бўлиш керак. Шунинг учун, мазкур мақолада кумдан ҳимоялашни лойиҳалаштириш методикасини такомиллаштириш, графо-аналитик модел кум ички ишқаланиш бурчагини, шамолнинг темир йўл полотносини босиш бурчагини **а методикки проектирования пескозащиты предполагает изменение угла внутреннего трения песка, угла атаки ветром, включаемые в.** Бундан ташқари, тадқиқот модификацияланган КЗУ-0,3Д зовур қазигичи мисолида амалга оширилган

1-жадвал. КЗУ-0,3Д универсал зовур кавлагич-текислагичнинг асосий техник тавсифлари

Ишчи органининг юқори қисми бўйича эни, мм	3000	3000	3000
Қазиш чуқурлиги, h1, мм	350	250	120
Унумдорлиги, (пог.км/соат), (9га)	1,65	2,1	4,7

Таҳлилнинг умумий бошланғич шартлари қуйидаги ишда бажарилган [3]. Бироқ уларда қатор соддалаштиришларга йўл қўйилган бўлиб, уларни, фикримизча, янги технологик ечим параметрларини аниқлашнинг, шу билан

бирга унинг логик қурилишининг ҳам ўзгаришига олиб келадиган моделига киритиш лозим.

Ташкилий-технологик параметрларни аниқлаш табиий-техник объектни қум босишидан ҳимоя қилишни жиҳозлашнинг ташкилий-технологик схемасидан келиб чиқиб бажарилиб, у қуйидагилардан иборат бўлади: темир йўл изига қуйидаги боғлиқликдан (1) келиб чиқиб аниқланадиган йиллик қум ҳажми тушишининг олдини олиш мақсадида зовур-валлар кесилиб, улар шамол тезлигини чегаравий даражадан пасайтирадилар. Бунда қум заррачалари оқимдан тушиб қоладилар ва ҳимоянинг аэродинамик соясида унинг олтита баландлигига тенг масофада жойлашади [1].

$$q_v = 0.19 \cdot e^{0.5 \cdot v} \quad (1)$$

Бу ерда v - шамолнинг кўп йиллик ўртача тезлиги, м/сония

Зовур-вал откосларининг шамолда тўзиб кетишининг олдини олиш мақсадида унинг юзаси кимёвий мелиорант ёрдамида мустаҳкамланади. Зовурларга йиғилган қум иккиламчи дефляциясининг олдини олиш мақсадида қумда ўсадиган ўсимликлар экилиб, улар кейинчалик асосий ҳимоя қилиш вазифасини бажарадилар. Муҳандислик иншоотига шамол билан келадиган йиллик қум миқдори (q_v) зовур-валнинг қум йиғиш имкониятини (q) ҳисобга олган ҳолда тутиб қолинади. Бу ҳолда мустаҳкамлаш полосаси эни, $N=q_v/q$ эканлигини ҳисобга олиб, қуйидаги ифодадан аниқланади (2)

$$B \geq N (b + C (N - 1)), \quad (2)$$

бу ерда B – қумни мустаҳкамлаш зонасининг эни, метрларда, дефляцияланаётган қум юзаси чегарасида аниқланиб, дастлабки фойдаланиш йили мобайнида йўлга келтириляётган қумни тутиб қолиш учун, ўсимликлар (асосий технологик ечим сифатида) темир йўлни қум босишидан сақлаш функциясини ўзига олгунига қадар етарли бўлган миқдорда;

b – зовур-вал эни, м,


С – зовур-валлар орасидаги улардан фойдаланиш даврида химояни жорий сақлаш учун талаб этилган технологик масофа, 3 м га тенг бўлиб, у машиналар ўтиши учун ҳам зарур, бунга шамол-қум оқими физикаси нуктаи назаридан ҳам йўл қўйилиши мумкин, чунки бу масофада шамол ўзининг критик тезлигини тиклаб улгурмайди [3].

Зовур-валдан иборат химоянинг қурилиш-технологик параметрларини аниқлаш учун ҳисобий схема. Усулнинг қурилиш-технологик параметрлари шунингдек қуйидаги шартлардан келиб чиқиб аниқланади:

1. Зовур откосининг горизонтга нисбатан қиялик бурчаги грунтнинг ички илашиш бурчаги билан белгиланади. Илашиш кучлари бўлмаган тақдирда табиий откоснинг энг катта бурчаги ички ишқаланиш бурчагига тенг бўлади $\alpha = \varphi$. Умумий ҳолда ички ишқаланиш бурчаги грунт ҳолати (табиий

таркиб топган ёки шамол учириб келтирган қум), шунингдек уларда < 0.5 мм заррачалар мавжудлигига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

2. Ўйик (ўйма)дан кўтармага узилишсиз ўтилиб, бу ўйик (ўйма) откосининг ўпирилиб тушишининг олдини олиш мақсадида унинг қиялик бурчаги кўтарма откоси қиялик бурчагига тенг ёки ундан кичик бўлиши талаб этилган тенгсизликка $(\alpha \leq \beta)$ риоя қилинишини талаб этади.



3. Сўнгги маълумотларни ҳисобга олиб, мос равишда таркибида заррачалари ўлчами 5% дан кичик ва катта бўлган қум учун $\alpha_{тах}=35^\circ$ ва $\alpha_{тах}=40^\circ$ қийматлари бунга мувофиқ келади (1-жадвал). Кўтарма откоси қиялигининг чегаравий бурчаги ички ишқаланиш бурчагига тенг бўлиб, у

турли манбаларга кўра 24° дан 34° гача ораликдаги кўрсаткични ташкил этади.

2-жадвал. Ички откос бурчагининг таркибидаги чангсимон-лойли заррачалар миқдорига боғлиқлиги.

Химоя конструкцияси элементи	Ички ишқаланиш бурчаги φ , град.	
	$< 5\%$	$> 5\%$
Ўйик (ўйма)	35	40
Кўтарма	24	34
Шамол келтирган қум	30	30

4. Шамол билан олиб келинган қум откоси қиялигининг реал бурчаги қумнинг ички ишқаланиш бурчаги $\gamma_{\max} \ll \varphi$ дан кичик бўлиб, чунки зовур-валларнинг ҳар иккала томонида аэродинамик соя ҳосил бўлиб, бу ерда шамол тезлиги критик тезликдан кам ва қум ўз чўққисидан $6h^2$ масофада жойлашган нуқтага қадар йиғилиши мумкин. Откос коэффициентлари m_1 ва m_2 лар ўйик (ўйма)нинг кўтармага ўтиш қисмида ўзаро тенг бўладилар, $m_1 = m_2$, чунки $\alpha = \beta$.

Зовур ва валларнинг кўндаланг кесим майдонлари ўзаро грунтга ишлов беришда унинг ғовакланиш даражасини ҳисобга оладиган нисбат орқали боғлиқ. Ҳисобий схемадан $s_1 = 2s_2 c_p$ эканлигини аниқлаймиз. Бошланғич ғовакланиш коэффициенти биринчи гуруҳ қумлари учун $c_{p1} = 1,08 - 1,17$ ва иккинчи гуруҳ қумлари учун $c_{p2} = 1,14 - 1,28$.

Кўтарма (вал) 1–2 ой мобайнида ўз ҳолича зичлашади. Ана шу давр ўтиши билан кўтарма грунטי зичлашади, аммо бунда қолдиқ ғовакланиш кузатилади $s_1 = 2s_2 c_{p0}$. Қолдиқ ғовакланиш коэффициенти қуйидагига тенг: $c_{p0} = 1,01 - 1,025$ биринчи гуруҳ учун ва иккинчи гуруҳ учун $c_{p0} = 1,015 - 1,05$.

Зовур-валлар улар курилатган ойга боғлиқ равишда 1-4 ой давомида тўладилар. Бундан келиб чиқиб, қолдиқ ғовакланиш коэффициенти $s_1=2s_2$ ро ҳисобга олиниши талаб этилади.

Қолдиқ ғовакланишнинг минимал қиймати 5% дан катта бўлмай, бу тупроқ ишларини амалга оширишда йўл қўйиладиган хатолик қиймати чегарасида. Шу сабабли ғовакланиш коэффициентини ҳисобга олмаса ҳам бўлади. Шунда геометрия жиҳатидан $s_1=2s_2=2m_2(h_2)^2$.

1.3 Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ нинг кўчувчи қум билан босилаётган участкалари шароитларини худудлаштириш.

II. ДИССЕРТАЦИЯДА ҚЎЛЛАНГАН ТАДҚИҚОТ УСЛУБЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

2.1 Тадқиқотнинг объекти, предмети ва уларнинг таърифи.

2.2 Тадқиқот воситалари.

2.3 Тадқиқот услублари.

III. ТЕМИР ЙЎЛНИ КЎЧКИ ҚУМЛАРИДАН САҚЛАШ УСЛУБИ

3.1 Кўчки қум мавжуд ҳудудларда шамолнинг якуний йўналишини аниқлаш услуги.

3.2 “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг кўчки қумлар билан босилатган темир йўл участкаларини сақлаш чора-тадбирларида шамолнинг якуний йўналишини инобатга олиш

3.3 Темир йўлларнинг кўчки қумлардан сақлашнинг лойиҳалаш услуги

Кўчма қумлар асосан Каспийбўйи ва Ўрта Осиё ҳудудларида тарқалган. Ўрта Осиё ва Ўзбекистон саҳролари тахминан 1,48 млн. км²га яқин майдонни эгаллаб, бу Ўрта Осиёнинг 7% атрофидаги ҳудудни эгаллайди(1-жадв.).

ЮНЕП материалларига кўра (БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастури), дунёдаги саҳроларнинг умумий майдони 48,85 млн.км²га тенг бўлиб (ер юзасининг 36,3%), унда 384 млн. одам, яъни дунё аҳолисининг 12,8% яшайди [60]. БМТнинг махсус маърузасида кўрсатилишича, ер куррасидаги 13 млн.км²саҳро ҳудудлари инсон фаолияти туфайли, унинг айбига кўра пайдо бўлган.

Саҳро ва чала саҳроларни ўзлаштириш бугунги кунда ушбу ҳудудлар табиий ресурсларини ўзлаштиришнинг асосий вазифаларидан бирига айланган. Кўчки қумли саҳроларда суғориш каналлари (Қизилқум ва б.) ва саноат объектлари қурилган бўлиб, янгилари ҳам қурилмоқда.

Ўрта Осиё, Ўзбекистонсаҳролари, шунингдеккўчма қумли бошқа ҳудудлар табиий бойликларини ўзлаштириш темир йўллар қурилиши билан ҳамбарчас боғлиқ. Кўчки қумли ҳамда қум босиш хавфи бўлган ҳудудлардан ўтган темир йўллар узунлиги бугунги кунда 3000 км дан ортиқ.

Қумларни кўчувчанлиги (ҳаракатчанлиги) бўйича фарқлаш. Саҳро қумлари кўчувчанлиги (?аракатчанлиги) [75] бўйича ҳаракатчан, кам ?аракат ва ?ўз?алмас турларга бўлинадилар (2-жадв.).

?аракатчан (бархан) ?умлар рельефнинг ?аракатланадиган шакллари тарзида силжишга ва фаол шамол таъсирида ёнба?ирлар шаклини ўзгартиришга ?одир бўладилар.

Кам ?аракатланувчи (чала ўт босган) ?умлар - уларнинг муста?камланмаган участкалари юзасида айрим ?ўз?алувчан шакллар юзага келиши мумкин.

?ўз?алмас (ўтказиш босган) ?умлар - ўсимлик (ўт-ўлан) ёрдамида ма?камланган бўлиб, фа?ат тўйинганлиги уларнинг ўтказиш босганлик даражасига бо?ли? бўлган шамол-?ум о?ими кўринишида силжиб юриши мумкин. Ўсимликлар йў? ?илинса, кўчмас ?умлар ?ис?а муддатда бархан ?умларига айланиб, ?аракатланувчи шакллар ?осил ?иладилар.

